



БИБЛИЯ ВА УНИНГ АНТИК ДАВРДАГИ ТАРЖИМАЛАРИ

*Сафаров Одилжон, ф.ф.н.,
Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ доценти*

Калит сўзлар: Библия, муқаддас китоб, Худонинг каломи, Қадимги Аҳд, Янги Аҳд, Септуагинта, Мусо, ибтидо, Исо, пайгамбар, насронийлик, фалсафа, Александрия, Қуддус, ибрий, юнонча, лотинча.

Антик даврда **фалсафага, адабиёт сохаларига** оид асарларни турли йўллар билан ўзлаштириш ҳоллари кўп бўлган. **Худо каломини**, яъни **муқаддас китобни** ҳеч ким, ҳеч қандай йўл билан ўзлаштира олмаган. Уни **тўғри таржима** қилмаслик эса гуноҳ ҳисобланган. Шу боис бу китоб таржимаси доим **қизгин** баҳс ва тортишувларга сабаб бўлган ва бундай ҳоллар ўша даврлардаёқ таржимавий тафаккур шаклланишига сезиларли таъсир қилган.

Албатта, бу масалалар алоҳида ўрганилиши долзарб аҳамиятга эга. Мавзуга оид ишни Lefèvere (1990, 14) Септуагинта (лотинча етмиш таржимон) томонидан амалга оширилган Қадимги Аҳд таржимаси ҳақидаги қуйидаги мулоҳаза билан бошлашни лозим топдик:

“The history of translation in the West may said to begin with the production of the Septuagint” (Ғарб таржимачилиги тарихи Септуагинта маҳсули билан бошланади дейиш мумкин).

Аслида бу таржима ғарбликлар тилига амалга оширилган дастлабки таржима эмас. Шундай бўлса-да, у антик давр таржималари ичида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Ж. Мунин бу ҳолни шундай эътироф этади:

“Ҳорац ва Цицерондан олдин, мил. авв. 3-асрда, Қадимги Аҳд Птоломей Филадельф топшириғига кўра, Септуагинта томонидан таржима қилингани эътиборга молик иш бўлган, бироқ, афсуски, биз у ҳақда, орадан кўп асрлар ўтгач, Хиеронимус билан Августин бир-бирларига ёзган мактубларида билдирган танқидий мулоҳазалардан зиёд билмаймиз” [1].

Маълумот учун қайд этиш лозимки, Қадимги Аҳднинг тўлиқ матни **ибрий**

тилида, унинг “**Эзра**” китоби дастлаб (мил. ав. 5-4 а.) **арамей** тилида битилган ва кейинчалик Таврот таркибига киритилган. “**Эзра**” Ахоманийлар (мил. авв. 558-330) даврига оид **тарихий** жиҳатдан жуда муҳим аҳамиятга **молик** воқеаларни ўз ичига олади. Шу боис кейинги ишларимиздан бирида, у ҳақида алоҳида мулоҳаза юритиш кўзда тутилади.

Библиянинг дастлабки **лотинча** таржималари эса милодий 2-асрдан бошлаб **юнон** тилидаги манбалардан амалга оширилган. Милодий IV аср охиридан уларни қайта ишлаш, тўлдириш ва айниқса Рим салтанати мафқурасига хизмат қилдириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу ишни ўша пайтда Рим папаси Даумас Хиеронимусга (Hieronymus, мил. 348-420) топширади.

Хиеронимус 384 йилда Янги Аҳдни **юнон** тилидан **лотинчага** таржима қилади. 390-406 йилларда эса Қадимги Аҳдни **ибрий** ва **арамей** тилларидан лотинчага таржима қилади. Натижада **лотин** тили “**муқаддас тил**” сифатида эълон қилинади. Кейинчалик, Хиеронимуснинг ўзи **авлиё** сифатида эътироф этиладиган бўлади. Унинг таржимаси “**Вулгата**” (халқчил) деб аталган.

Ўша пайтларда Дунай дарёси бўйида яшаган **вестготлар** (ғарбий готлар) биринчи герман элати сифатида **насронийликни** қабул қилганлар. Уларнинг вакили, Улфилас исмли руҳоний IV аср ўрталарида “Янги Аҳд”ни **юнон** тилидан **гот** тилига таржима қилгани ҳам эътиборга лойиқ. Мутахассислар фикрича, ҳозиргача анча қисми сақланиб қолган бу таржима ўша даврдаги герман тилининг асл **ёзма ёдгорлиги** ҳисобланади.

Бу таржимани амалга ошириш учун, Улфилас **юнон** алифбоси асосида ғарбий



готлар **алифбосини** ҳам тузишига тўғри келган.

Дунёдаги дастлабки босма китоб (1452-1455) **лотинча** Библиядир. Уни майнцлик босмахона ихтирочиси Ёханнес Гутенберг (1397-1468) номи билан “Гутенберг Библияси” деб ҳам атаганлар. Жаҳон миқёсида энг кўп нашр этилган **таржима** китоби ҳам Библия ҳисобланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан буён Стокгольмда Библияни таржима қилиш институти фаолият юритади. Жумладан, - “китоб босиш эндигина ихтиро қилинган пайтда Библия тўлиқ ҳолда ва унинг алоҳида бўлимлари бор-йўғи 33 тилга таржима қилинган эди. 19 асргача Библия 400 дан ортиқ тилда босилиб чиқди. XX аср мобайнида эса Библия тўлиқ ҳолда ва унинг алоҳида қисмлари яна 1400 тилга таржима қилинди. 1992 йил бошларига келиб, Библия тўлиқ ҳолда ёки қисман таржима қилинган тиллар сони 1978 тага етди. Бугунги кунда Ер қуррасидаги атиги 2 фоиз аҳоли ўз тилида Библиянинг бирор китобига эга эмас” [2].

Библия сўзи юнонча *biblion* (библион) сўздан олинган бўлиб, **китоб** демакдир. Бу ҳол Библия қисмлари асл манбаларда (эски яҳудий тилдаги) китоблар сифатида битилгани билан боғлиқ.

“Библия икки қисмга - **Қадимги Аҳд** ва **Янги Аҳд**га бўлинади (“Аҳд” сўзи худонинг инсонлар билан махсус алоқасини билдиради). Қадимги Аҳд (яъни Таврот ва Забур) Исо Масих туғилишидан аввал, Янги Аҳд (яъни Инжил) Исо Масих туғилганидан кейин, биринчи асрда ёзилган” [3].

Буни аниқроқ ҳолда қуйидагича ифодалаш мумкин:

“Қадимги Аҳд – Исо Масих келишидан олдин Худо Исроил халқи билан тузган битим ва бу битимнинг шартномасини таърифловчи 39 китобчадан иборат муқаддас китоб; Таврот, Забур ва Пайғамбарлар китобларини ўз ичига олади; умуман “Таврот” деб ҳам юритилади” [4].

Қадимги Аҳднинг **ибрий** (эски яҳудий) тилидан **юнон** тилига амалга

оширилган илк таржимаси милоддан аввалги 3-асрнинг биринчи ярмида амалга оширилган. У милодий 2-асрда **эски яҳудий** тилидан **юнончага** қайтадан таржима қилингани ҳам маълум.

Янги Аҳд ҳам илк бор **ибрий** тилида битилган. “Фалсафа: комусий луғат”да бу ҳақда шундай маълумот берилган:

“Янги аҳд, яъни Инжил Исо Масих туғилганидан кейин мил. I-II асрларда жамланиб китоб қилинган. Христианлик таълимоти дастлаб оғзаки тарқалган. Инжилни Исо (а.с)нинг сафдошлари – ҳаворийлар ёзишган. ... Асл Инжил дастлаб қадимги яҳудий тилида ёзилган, кейинчалик юнон, лотин ва сурёний тилларига бузиб таржима қилинган” [5].

Қадимги Аҳднинг дастлабки 5 китоби, Мусо пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ. Септуагинта **айнан шуларни** таржима қилган. Табиийки, бу ҳол ҳазрати Мусо ва у яшаб ўтган даврга оид масалалардан хабардор бўлишни тақозо этади. Жумладан:

“Мусо – Мисрга асирга тушган Исроил халқини қутқариш учун Худо юборган улуғ пайғамбар, тахминан мил. авв.1400 йилларда яшаган, Синай тоғида унга Таврот (Илоҳий Қонун) ваҳий бўлган” [6].

Мусо пайғамбарга нозил этилган дастлабки китоб “Ибтидо”дир. Унда “дунё ва одамнинг яратилиши, илк инсонларнинг гуноҳ қилиши, бунинг натижасида оламга азоб ва ўлим келиши ҳақида маълумот берилади. Дунёдаги халқларнинг вужудга келиши ва тарқалиши тарихи ҳам баён этилади. Одам Ато ва Момо Ҳаво, Ҳобил ва Қобил, Ҳазрати Нух, Лут, Иброҳим, Исҳоқ, Исмоил, Ёқуб, Юсуф, Фиръавн ва бошқа тарихий шахслар, Тўфон, Бобил минораси ва тиллар чатишуви, Садўм ва Гамўранинг (Худо қаҳрига учраган шаҳарлар – О.С.) хароб бўлиши сингари энг қадимий тарихий ҳодисалар ҳам “Ибтидо”дан ўрин олган” [7].

Септуагинта таржимаси инсоният тарихидаги мисли кўрилмаган таржимадир. У мил. авв. 3-асрнинг биринчи ярмида Миср ҳукмдори Птоломей



II Филаделфнинг (мил. авв. 285-246) топшириғига кўра, **70 яхудий такводор** томонидан **72 кун** давомида амалга оширилган. Таржима иши учун ўша пайтларда **илму маърифат** маркази бўлган **Александрия** шахри эмас, балки **ундан четроқдаги жой** танланган.

Тавротнинг биринчи китобида қайд этилишича, Худо Мусога Хорун, Надаб, Абиҳу билан бирга Исроилнинг **етмишта амалдор оқсоқолини** Синай тоғига олиб чиқишини буюради. Мусо Парвардигорнинг бу амрини бажаргач, уларнинг бариси Яратганни кўриш шарафига муяссар бўлишади.

Кейин Худо Мусони якка ҳолда ўзига чорлайди. У тоғ тепасига чиқиши билан, тоғни булут қоплайди. Бу аҳвол **олти** кун давом этади. Еттинчи куни Парвардигор булутлар орасидан Мусога мурожаат этади. Шундан сўнг Мусо у ерда яна **қирқ кеча-ю қирқ кундуз** қолиб кетади ва Худонинг йўл-йўриқ (қонун) ва кўрсатмалари, исройилликлар эса уларни бажаришлари ҳақидаги **ахдлашув** китобини ёзиб олиб, юртдошлари ҳузурига қайтади ва уларни бу **ахдлашувдан** вокиф этади. Исройил халқи бу қонун-қоидалар ва кўрсатмаларни албатта бажаришилари ҳақида бир овоздан ваъда беришган.

Мусонинг “Чўлда” деб аталган тўртинчи китобида Мусо унинг зиммасига юкланган вазифалар оғирлик қилаётганидан қаттиқ нолигани ва шу боис Худо унга **Исроилнинг етмишта амалдор оқсоқолини** Синай чўлига олиб келишини, ўша ерда **ибодат учун чодир тикиб, дуолар ўқиб** туришларини тайинлайди. Хоҳиши бажарилгач, Худо Мусонинг **руҳидан** олиб, уни бир вақтнинг ўзида халиги **етмишта амалдор оқсоқолнинг вужудига** киритади. Натижада буни ҳис қилган оқсоқолларнинг барини дарҳол титроқ босади. Бу ҳол Худонинг ўзи, Мусога мадақкор бўлишлари учун, **етмишта амалдор оқсоқолни** пайғамбарликка ўтказганидан далолат беради.

Қадимги Аҳд (аниқроғи, Таврот) таржимаси учун етмишта таржимон танлангани ҳам, мазкур таржима шахардан

четда амалга оширилгани ҳам, таржимонлар мазкур таржима ишига ўта масъулият билан ёндашганликларидан далолат беради. Яъни улар ҳақиқатан ҳам ўзларини бамисоли **Худо каломини** бандаларга етказувчи пайғамбарлар сифатида ҳис қилишган. Шу боис улар таржима ишига алоҳида **масъулият** билан ёндашган бўлишлари табиий. Ўша таржима матнига **изоҳлар** таржима қилингани ҳам шундан далолат беради.

А. Фёдоров, И. Левий каби таржимашунослар эса бу таржима ҳақида ҳеч қандай маълумот бермаганлар. Ҳ. Вермеер эса у ҳақида турли манбалардан иқтибослар келтирган. Масалан, у Schwarz 1963, Grive 1965, Otte 1968, Tov 1987, Lurquin 1990, Reventlow 1990 каби муаллифларнинг ишларига таяниб ёзишича (Vermeer 1992, 257), Септуагинта Қадимги Аҳднинг **юнонча** таржимаси бўлиб, у мил. авв. 3-асрда (ва кейинроқ) Мисрда амалга оширилган. Бунгача унинг айрим қисмлари таржима қилинган. Септуагинта таржимаси **тўлиқ ҳолдаги биринчи** ёзма таржимадир.

Ушбу қисқагина маълумотларнинг ўзида бир нечта ноаниқликлар бор. Бунинг устига Вермеер қуйидаги ҳолни **афсона** сифатида талқин қилади:

“Афсонага кўра, Птоломей Птоломей II Филаделф (мил. ав. 285-246; бошқаларига кўра, мил. ав. 288-247 атрофида) кутубхоначиси Деметрий Фалероннинг (* тахм. мил. ав. 305 Афинада) ташаббуси билан Аристиасни, яхудийларнинг кодексини ва 72 таржимонни олиб келиш учун, Қуддусга юборган. Шундан сўнг у қуддуслик олий руҳоний Элеацар томонидан Александрияга жўнатилган 72 яхудийга, таржима топшириғини берган бўлиши керак” [8].

Ҳ. Вермеер Оттедан (Otte 1968) кўчирма сифатида келтирган қуйидаги маълумот ҳам мантиқан тўғри, деб бўлмайди: “Eine optimale Übersetzung ist nur in dafür optimaler Situation möglich” [9]. (Энг мақбул таржима фақат бу учун энг қулай жойда амалга оширилиши мумкин).



Аслида бу ҳол таржимонларнинг диний эътиқодига оид масалалар билан бевосита боғлиқ бўлган.

Ҳ. Вермеер ёзишича, Септуагинта таржимаси ҳақидаги **дастлабки** маълумот тахм. мил. авв. 150-100 йилларда Аристиас (Aristias) Филократга (Philokrates) ёзган **мактубда** учрайди.

Ҳ. Вермеернинг китобида Philo Judaeus (Фило Юдайус) **De vita Mosis** (Мусо ҳаётидан) асарида Септуагинта таржимаси ҳақида қандай мулоҳазалар билдиргани ҳам қайд этиб ўтилган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Фило Юдайуснинг исмини Филон (Philon) деб ҳам аташган. У александриялик Филон сифатида ҳам танилган, мил. авв. 20 ва милодий 54 йилларда яшаган. Яхудий Филон, **юнон фалсафаси ва насронийликни** бирлаштиришга оид фикрларни илгари сурган. Орадан қарийб 2 аср ўтгач, худди шу фикрлар фалсафада **неоплатончилар** оқими пайдо бўлишига сезиларли таъсир қилган бўлса, ажаб эмас.

Филон Септуагинта таржимонлари алоҳида-алоҳида ишлаганликларига қарамай, улар амалга оширган таржима бир-бириникига жуда ўхшашлигини, бу таржима ишини бажарганларни, Худонинг ўзи илҳомлантирганини, айнан шундай ҳолдаги таржимонларгина муқаддас китобларни **тўғри** таржима қила олишлари мумкинлигини таъкидлаган (Vermeer 1992, 257-258).

Ҳ. Вермеер ёзишича, Септуагинта таржимаси яхудийларнинг таржима ишларига катта таъсир қилган. Тахм. 130 йилда бобосининг башоратларини (Weissagungen) яхудий тилидан **юнончага** ўнгирган Иисус бэн Сирач таржима ҳақида шундай мулоҳаза билдирган:

“Чунки бирор нима яхудий тилида ифодаланган бўлса ва шундан сўнг бирор бошқа тилга ўнгирилса, бир хил мазмунга эга бўлмайди; чунончи нафақат бу (асар,

Сирач китоби), балки қонуннинг ўзи, башоратлар ва бошқа битиклар ҳам ўзларининг асл ҳолида бошқача жозибалидирлар” [10].

Бу албатта тушунарли ҳол. Бирок таржима ҳам таржима сифатида ўз кадр-қимматига эгадир. Аслида азал-азалдан мутафаккирлар, илм--у маърифат аҳли, ёзувчи ва шоирлар ва ҳ.з. таржиманинг худди шундай кадр-қиммати учун ва уни имкони борица ошириш учун қайғурганлар. Жумладан, муайян таржимага муносабат, ўша таржиманинг кадр-қимматига бериладиган ўзига хос баҳодир. Шу нуқтаи назардан Септуагинта таржимаси ҳақида Шварц (Schwarz 1963) қайд этган қуйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойиқ:

“In Wahrheit ist die Septuaginta-Übersetzung des Alten Testaments recht unterschiedlich ausgefallen. Manche Passagen sind recht frei übersetzt. Natürlich finden sich auch Übersetzungsfehler” [11]. (Аслида Қадимги Аҳднинг Септуагинта таржимаси турлича амалга оширилган. Баъзи жойлари жуда эркин таржима қилинган. Албатта таржимада хатолар ҳам топилади).

Ҳ. Вермеер бундай иқтибосларнинг деярли ҳеч бирига изоҳ бермайди. Шу боис у Септуагинта таржимаси ҳақида қайд этган мулоҳазалар моҳиятини тушуниш унча осон эмас. Ҳар ҳолда унинг ишида шу таржима ҳақида анча маълумотлар борлигининг ўзи ҳам қувонарли ҳол.

Биз мулоҳаза юритган таржима **лотинча** Библия таржимони Ҳиеронимус (Sophronius Eusebius Hieronymus, мил. 347-419/420) дўсти Паммахиусга **эпистоляр тарзда ёзган “De optimo genere interpretandi”** (Таржиманинг энг яхши тури ҳақида) сарлавҳали мақолада муайян даражада таҳлил қилинган ҳолда ҳам учрайди. Аммо бу ҳақда алоҳида мулоҳаза юритилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

1. Mounin, G. Die Übersetzung in der Antike // Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. – München: Nymphenburger Verlagshandlung, 1967. S. 23 - 24. (Übers.)



2. Мукаддас китоб ҳақида // Инжил. Тавротдан “Ибтидо”. Забур. Стокгольм (Швеция): Библияни таржима қилиш институти, 1992. – Б. VI.
3. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), V б.
4. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), 15-б.
5. Назаров, Қ. (Тузувчи ва масъул муҳ.). Фалсафа: қомусий луғат. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004. – Б. 496.
6. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), 7- 8 б.
7. Шу китоб (“Библия луғати” қисми), VIII б.
8. Siehe: Vermeer, H. J. Dolmetschstrategien // Skizzen zu einer Geschichte der Translation. Bd. 1. – Frankfurt / M.: Verlag für interkulturelle Kommunikation, 1992. S. 257.
9. Siehe: Ebenda, S. 256.
10. Siehe: Ebenda, S. 267.
11. Siehe: Ebenda, S. 260.

Safarov O. "The Bible and its ancient translations". Environment ancient translation is the translation of the Bible a special place. Because at the same time the translation of this Holy book was the cause of many disputes and disagreements, and of course this fact for centuries had a tangible impact on the formation and development of translation thought. From this point of view, it is very important to study the issues related to the transfer of the Septuagint, carried out in the 3rd century BC. In this article we are talking about interesting and important issues concerning this translation.

Сафаров О. «Библия и её античные переводы». Среды античных переводов занимает перевод Библии особое место. Потому что тогда же перевод этой священной книги явился причиной возникновения очень многих споров и разногласий, и конечно это обстоятельство в течении веков имело осязаемое влияние на формирование и развитие переводческой мысли. С этой точки зрения имеет очень актуальное значение изучение вопросов, касающиеся перевода Септуагинты, осуществимого в 3 веке до нашей эры. В этой статье речь идёт об интереснқх и важных вопросов, касающихся именно этого перевода.
